

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК УДК 378:338:39 (575.1)

Нушарова Шахноза Норкуловна

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН
Фойдаланиш имкониятлари

5A111001 -«Касб таълими назарияси ва методикаси (иқтисодиёт)»
мутахассислиги бўйича

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
п.ф.д., проф. М.Ф. Хакимова

Тошкент – 2021

Ушбу магистрлик диссертация ишида олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятлари, олий таълим соҳасидаги амалга ошириладиган янгилликлар, ўқитувчининг инновацион тайёргарлиги, битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали интеграцион таълим жараёнини лойihalаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, талабаларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган қобилиятларни ривожлантириш каби масалалар бўйича маълумотлар келтирилган. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш технологияси ва шарт-шароитлари аниқланган ҳамда мазкур жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва самарадорликка эришиш йўллари илмий-методик жиҳатдан асосланган. Ўзбекистоннинг таълим соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш бўйича ташкилий-иқтисодий тадбирлар ва рағбатлантириш чораларининг илмий асосланган тизими ишлаб чиқилган ва таълим соҳасини ривожланишининг ўзига хос омиллари, шарт-шароитлари мавжудлиги, уни таъминлашдаги қилинаётган ислохотлар, вазифалар илмий асослаб берилган, шунинг учун илмий тадқиқот ишимиз ўта долзарбдир.

In this dissertation work, the possibilities of using foreign experience in organizing innovative activities in higher educational institutions, practical innovations in the field of higher education, innovative teacher training, issues of increasing the competitiveness of graduates, the creation of a modern methodological design of the learning process based on the integration and development of the professional competence of teaching staff, are given. data on the development of students' abilities for professional activities.

The work is relevant, the content substantiates scientific and methodological ways of organizing, managing and increasing the efficiency of using advanced foreign experience in organizing innovative activities in a higher educational institution, a scientifically substantiated system of organizational and economic measures for using foreign experience in the education system of Uzbekistan, factors of development of the education system, the availability of conditions, reforms to ensure them, the research objectives are scientifically substantiated.

Магистрлик диссертацияси иши «Инновацион таълим» кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган. 43 -сонли баённома «16»
июль. 2021 йил

Илмий раҳбар: М.Ф. Хакимова

Магистр: Ш.Н. Нушарова

“Ҳимояга рухсат этилади”

«Инновацион таълим» кафедраси
мудир М.Ф. Хакимова

2021 йил «24» 06

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишда хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг назарий-методологик асослари	
Таълим самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш зарурияти.....	11
Жаҳон таълим тизимини ислоҳ қилишга нисбатан назарий ёндашувлар.....	20
Мамлакатимиз ва хориж олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати.....	26
Биринчи боб бўйича хулоса.....	41
Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишда хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг амалий асослари	
Европа ва Осиё мамлакатларининг олий таълим муассасалари тажрибасидан фойдаланишга бўлган талаб ва эҳтиёж.....	43
Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланишнинг замонавий шакллари.....	52
Иқтисодчи мутахассисларни касбий маҳоратини оширишда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларидан фойдаланиш шарт-шароитлари.....	57
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	70
Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этиш самарадорлиги	
Тажриба-синов ишларининг ташкилий-методик асослари.....	72
Экспериментал тадқиқ натижалари ва уларнинг самарадорлик даражаси.....	80
Учинчи боб бўйича хулоса.....	88
ХУЛОСАЛАР	90
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94
ИЛОВАЛАР.....	98

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:

Жаҳонда бўлаётган глобаллашув ва таълим интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантиришга бўлган талаб ва эҳтиёж янада кучайди. Хусусан, малакали мутахассисларнинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида касбга йўналтирилган вазифалар билан боғлиқ сифатларни белгилаш, бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик таъхислашнинг инновацион методларини излаб топиш ва улардан унумли, самарали фойдаланиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълимга компетентли ёндашувга кўра, битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали интеграцион таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, талабаларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган қобилиятларни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда олий таълим муассасалари сифатини таъминлашдаги ижтимоий ролини ошириш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга кенг жорий этиш асосида талабаларда касбий компетенцияни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш заруриятини изохлайди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида шакллантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда “олий таълим камров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали,